



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 27 - Mart

552 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида янги ташкил қилинган кичик саноат зонаси электр тармоғи фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 24-сонли баёни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги 84-сон Раёсати мажлисининг баёни ва Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2020 йил 22 майдаги Хоразм вилоятида янги кичик саноат зоналарини ташкил қилиш тўғрисидаги № 9-35-сонли қарорига мувофиқ, “Гулшан” маҳалласида янги ташкил қилинган кичик саноат зонаси электр тармоғи фойдаланишга қабул қилиш мақсадида, қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида Давлат қабул хайъатининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунини 6, 25-моддасига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида Давлат қабул хайъатининг далолатномалари тасдиқлансин.
2. Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида “URGANCH ELEKTRO-NUR MONTAJ” масъулияти чекланган жамияти томонидан қуриб битказилган электр тармоғи фойдаланишга қабул қилинсин.
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев